


Барча махлуқотлар Одам боласи учун беминнат хизматкордир



19:00 / 11 июнь 647

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қиласи:

قَاصِفًا عَلَيْكُمْ فَيُرِسِّلَ أُخْرَىٰ تَارَةً فِيهِ يُعِيدَ كُمْ أَنَّ أَمِنْتُمْ أَمْ

بِهِ عَلَيْنَا لَكُمْ تَحْدُو أَلَا ثُمَّ كَفَرْتُمْ بِمَا فَيُغْرِقُكُمُ الرِّيحُ مِنْ

«Ёки сизни унга (денгизга) яна бир марта қайтариб, устингиздан шиддатли шамол юбориб, куфр келтирганингиз сабабли ғарқ қилиб юборишидан ва сиз ўзингизга ўша учун Биздан ўч оловчи топа олмай қолишингиздан хотиржаммисиз?!» (Исро сураси, 69-оят).

Эй кофир бандалар! Сиз фақат денгиздаги фалокатдан қўрқадиган бўлсангиз, билиб қўйинг, Аллоҳ сизни яна бир бор денгизга қайтариб, кемага миндириб туриб, сўнgra ношукр бўлганингиз сабабли ҳалок қилиши мумкин. Бу жуда ҳам осон. Ҳа, осонгина ҳалок бўлиб кетаверасиз. Сизнинг орқангиздан хун сўровчи ҳам бўлмайди. Ўч оловчи ҳам.

Ҳа, Аллоҳ таоло одам боласини азизу мукаррам қилиб қўйган-у, аммо кўпгина ношукр инсонлар бунинг қадрига етмайдилар.

وَرَزَقْنَاهُمْ وَالْبَحْرِ الْبَرِّ فِي وَحَمَلْنَاهُمْ أَدَمَ بْنَيَ كَرْمَنَا وَلَقَدْ

تَفْضِيلًا خَلَقْنَا مِمَّنْ كَثِيرٌ عَلَى وَفَضَلْنَاهُمُ الْطَّيِّبَاتِ مِنْ

«Батаҳқиқ, Бану Одамни азизу мұкаррам қилиб қўйдик ва уларни қуруқлигу денгизда (олов-ла) кўтардик ҳамда уларни пок нарсалар ила ризқлантирдик ва уни Ўзимиз яратган кўп нарсалардан мутлақо афзал қилиб қўйдик» (Исро сураси, 70-оят).

Аллоҳ таоло борлиқдаги турли-туман мавжудотларни бир-биридан афзал қилиб яратган Зотдир. Ана ўша Зот ушбу ояти каримада одам боласини борлиқдаги ҳамма нарсадан азизу мұкаррам қилиб яратганининг хабарини бермоқда:

«Батаҳқиқ, Бану Одамни азизу мұкаррам қилиб қўйдик».

Аввало, одамнинг шакли, барча аъзоларининг тузилиши азизу мұкаррамликдан далолат бериб туради. Бошқа маҳлуқотларда бу шакл, бу мутаносиблик ва бу каби аъзолар йўқ. Сўнгра Аллоҳ таоло одамни Ўз қўли билан яратиб, мұкаррам қилди. Ўз руҳидан жон пуфлаб, улуғлади. Бундай шарафга ҳеч бир маҳлуқот мұяссар бўлган эмас. Шу боисдан ҳам инсон азизу мұкаррамдир. Аллоҳ таоло яна одам боласини Ўзи берган ақл билан мұкаррам қилиб қўйди. Инсон ақли билан бошқа ҳамма маҳлуқотлардан устун туради. У Аллоҳ берган ақли ила турли тадбирлар қиласди, нарсалар ишлаб чиқаради, бошқа маҳлуқотларни ўз фойдасига ишлатади. Буларнинг ҳаммаси Аллоҳ инсонни азизу мұкаррам қилиб қўйганининг намуналари дидир.

Аллоҳ таоло инсонга вахий туширади. Одамлар ичидан пайғамбар танлаб олади. Пайғамбарларга илоҳий китоблар нозил этади. Шариат ҳукмларини юборади. Буларнинг барчаси Аллоҳ инсонни азизу мұкаррам қилганига намунадир.

Аллоҳ таоло Одамни Ўзининг ер юзи даги халифаси қилиши ҳам шунга далолатдир.

Аллоҳ таоло охирги индирган Китоби Қуръони Каримда:

«...Бану Одамни азизу мұкаррам қилиб қўйдик», – деб эълон қилишининг ўзи ҳам катта обрў-эътибордир.

«...ва уларни қуруқлигу денгизда (олов-ла) кўтардик...»

Аллоҳ таоло қуруқликда ҳам, денгизда ҳам инсон боласи учун турли уловларни яратиб, шунга биноан, қонун-қоидаларни жорий қилиб қўйди. Инсон қуруқликда турли ҳайвонлар ва нақлиёт воситаларида юриб, оғир

ишларни енгиллик ила бажаради. Одамларни кўтарадиган, унга улов бўлиб хизмат қиласидиган маркаблар Аллоҳ таолонинг махлуқлари бўлиб, улар Жаноби Ҳақ жорий этган қонун-қоида асосида уловлик вазифасини бажаради. Бу ҳам Аллоҳ одам боласини азизу мукаррам қилганидандир.

Шунингдек, Аллоҳ таоло инсон учун сувда чўкмайдиган турли моддаларни яратиб, уларга маълум шаклларни беришни илҳом этиб, денгизларда сузуб юрадиган уловларни ўзи жорий қиласидиган қонун-қоидалар асосида ҳаракатланадиган этиб қўйди. Бу ҳам Аллоҳнинг одам боласини азизу мукаррам қилганидандир.

«...ҳамда уларни пок нарсалар ила ризқлантирдик...»

Аллоҳ таоло одам боласига барча пок нарсаларни ризқ қилиб берган. Уларни санаб, саноғига етиб бўлмайди. Одам бу пок ризқлардан тўғри фойдаланиб, уларни берган Зотга шукр қилса, жуда яхши бўлади. Ана шу сонсиз покиза ризқларнинг берилиши ҳам Аллоҳ таоло Одам боласини азизу мукаррам қилиб қўйганидандир.

«...ва уни Ўзимиз яратган кўп нарсалардан мутлақо афзал қилиб қўйдик».

Яъни одам бошқа махлуқотлардан мутлақо афзал саналади. Афзалликда унга яқин кела оладиган махлуқот оламда йўқдир. Барча махлуқотлар Одам боласи учун beminnat хизматкордир. Лекин бу афзалликнинг жавобгарлиги ҳам бор. Қиёмат куни ҳар бир берилган афзаллик ва неъматлардан сўралади. Ҳисоб-китоб қилинади.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди